XALQ DEPUTATLARI DAVLATOBOD TUMAN KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 11 - fevral VI-18-12-6-219-K/22 Davlatobod tumani hokimligi

Давлатобод туман ҳокимининг ўринбосари-маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг “Давлатобод туманида аҳоли сони 8 мингдан кўп бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш тўғрисида”ги таклифини муҳокама қилиш тўғрисида

Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Сўнги йилларда маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. Юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги иштироки ўз аксини топди.

Ҳозирда Наманган шаҳар Давлатобод туманида 26 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, аҳоли сони 8000 ва ундан кўп бўлган “Юксалиш” ва “Янги тонг” маҳалла фуқаролар йиғинларида оилалар сони 1800 - 3900 тани ташкил этади. Улардаги маънавий-аҳлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, фуқаролар бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни манзилли

ижтимоий қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудни ободонлаштириш каби долзарб масалаларни ўз вақтида тўлақонли ҳал этиш мақсадида юқоридаги МФЙларини бўлишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” 2011 йил 12 октябрдаги Қонуни, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” 2013 йил 22 апрелдаги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарорига асосан, “Юксалиш” ва “Янги тонг” маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашларининг йиғилишлари баёнлари ва илтимосномаларига асосан Давлатобод туман ҳокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Игамбердиевнинг хати ҳамда маҳаллани бўлиш бўйича таклифларини инобатга олиб, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг жойларда фуқароларнинг долзарб муаммоларини қисқа муддатли ҳал этилишини таъминлаш, секторлар ишларини ташкил қилишда маҳаллалар ролини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномалари ва маҳаллани иккига бўлиш бўйича таклифларидан келиб чиқиб, Давлатобод тумани ҳокимининг ўринбосари-маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Игамбердиевнинг хати асос учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 8-бандига асосан, 1-босқичда тумандаги “Юксалиш” ва “Янги тонг” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

3. Наманган шаҳар географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия хулосасига асосан, фаолият кўрсатаётган “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, таркибидан

ажраб чиқаётган маҳаллага **“Тадбиркор”** маҳалла фуқаролар йиғини, фаолият кўрсатаётган “Янги тонг” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, таркибидан ажраб чиқаётган маҳаллага **“Истиқлол”** маҳалла фуқаролар йиғини номлари бериш таклифи маъқуллансин.

4. Ташкил этилаётган “Тадбиркор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий чизмаси 1-иловага, таснифи 2-иловага, “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий чизмаси 3-иловага, таснифи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (О.Акбаров), туман молия бўлими (Ў.Юнусов) бир хафта муддатда ташкил этилаётган “Тадбиркор” ва “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда тегишли штат бирликларини ажратиш ва уларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, зарур моддий-техник база ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича аниқ таклифлар киритиш;

6. Туман ҳокимининг ўринбосари-маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (М.Игамбердиев)га:

“Давлат хизматлари маркази” ва туман ички ишлар бўлими билан биргаликда ташкил этилаётган “Тадбиркор” ва “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинларини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш, мухр ва штампларини тайёрлаб бериш;

Қурилиш бўлими (Баходиржон уулу Дастан) билан биргаликда ташкил этилаётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига янги номи ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш ишларини ташкил қилиш;

тижорат банклари билан биргаликда “Тадбиркор” ва “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинлари учун тегишли ҳисоб рақамлар очилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (М.Игамбердиев, М.Неъматов), қурилиш бўлими (Баходиржон уулу Дастан)ларга бир ой муддатда янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларига фаолияти учун белгиланган тартибида жой ажратиш юзасидан таклиф киритиш вазифаси топширилсин.

8. Туман ички ишлар бўлими (У.Бойханов)га:

туман ҳудудидаги чегара ҳудудлари ўзгарган маҳалла фуқаролар

йиғинларида яшовчи фуқароларни қайта рўйхатга қўйишда янги номлар билан ёзилишини назоратга олиш;

ташкил этилаётган “Тадбиркор” ва “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинларига профилактика инспекторлари штатлар бирлигини таклиф киритиш ва МФЙларга бириктириш;

зарур ҳолларда, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифалари топширилсин.

9. Туман статистика бўлими (О.Жаббаров), кадастр агентлиги туман бўлими (М.Исоқжанов), қурилиш бўлими (Баходиржон уулу Дастан) тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларини рўйхатдан ўтказилишини, аҳоли пунктларининг статистика кўрсаткичларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширилишини таъминласинлар.


10. Давлатобод туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати (О.Нарзуллаев) мазкур Кенгаш қарорини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Давлатобод туман маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи М.Игамбердиев ҳамда Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Таджимирзаев**

Халқ депутатлари Давлатобод
туман Кенгашининг
2022 йил 11 февралдаги
VI-18-12-6-219-K/22-сон қарорига
1-илова

“Тадбиркор” маҳалласи чегарасининг ЧИЗМАСИ



-Ҳудуди сақланиб қолаётган МФЙ чегараси

-Бўлиниши режалаштирилган МФЙ Чегараси

Халқ депутатлари Давлатобод
туман Кенгашининг
2022 йил 11 февралдаги
VI-18-12-6-219-K/22-сон қарорига
2-илова

Давлатобод тумандаги янги ташкил этилаётган “Тадбиркор” маҳалла фуқаролар йиғини чегара чизмаси

ТАВСИФИ

Давлатобод тумани “Ёшлик” кўчасида жойлашган КНК кўприкдан (шимолий кенглик координаталари - 41°2'17.60", шарқий узунлик координаталари -71°32'50.56") шимолга 800 метргача “Ёшлик” кўчасидан “Итифоқ” кўчасида жойлашган “Навқирон” кўчасидаги 11-13-кўп қаватли уй ҳамда “Жахон Жавохир инвест” МЧЖлар кесишмасигача “Иттифоқ” кўчасида жойлашган “Навқирон” кўчасидаги 11-13-кўп қаватли уйлар ҳамда “Жахон Жавохир инвест” МЧЖлар кесишмасидан “Нуробод-7” кўчасидаги “SANTEX DIZAYN” МЧЖ атрофи (шимолий кенглик координаталари - 41°2'29.89", шарқий узунлик координаталари - 71°31'30.72").

Халқ депутатлари Давлатобод
туман Кенгашининг
2022 йил 11 февралдаги
VI-18-12-6-219-K/22-сон қарорига
3-илова

“Истиқлол” маҳалласи чегарасининг ЧИЗМАСИ



-Худуди сақланиб қолаётган МФЙ чегараси

-Бўлиниши режалаштирилган МФЙ Чегараси

Халқ депутатлари Давлатобод
туман Кенгашининг
2022 йил 11 февралдаги
VI-18-12-6-219-K/22-сон қарорига
4-илова

Давлатобод тумандаги янги ташкил этилаётган “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини чегара чизмаси

ТАВСИФИ

Давлатобод тумани “Ғалаба” кўчаси ҳамда “Қуқимбой” кўчаси кесишмасидан шимолга 400 метр (шимолий кенглик координаталари - 40°59'50.25", шарқий узунлик координаталари - 71°36'44.56") Қуқимбой кўчасидан 5а-кичик нохиядаги 64-27-33-3/69 кўп қаватли уйлар кесишмасигача 5а-кичик нохия 64-27-33-3/69 кўп қаватли уйлар кесишмасидан 23-сонли умум таълим мактаби ва 5а-кичик нохия 23-сонли кўп қаватли уй кесишмасигача “Ғалаба” кўчаси ва “Камолот” кўчаси кесишмасидан шимолга 340 метр (шимолий кенглик координаталари - 40°59'49.96", шарқий узунлик координаталари —71°36'16.51").